

Мухаррам ДАДАБАЕВА,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
магистранти

# АФҒОНИСТОН АЁЛЛАРИНИНГ МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ҲАҚИДА

Афғон аёлларининг мол-мулкка ва меросга бўлган ҳуқуқини тадқиқ этишдан олдин Афғонистоннинг суд-ҳуқуқ тизимини тўлақонли тушуниш, жорий қилинган қонун-қоидаларнинг имплементациясини назарий илмий жиҳатдан ўрганишимиз лозим. Ҳозирги кунда аҳолисининг 42 фоизи пушту, 27 фоизи тожик, 9 фоизи ўзбек, 9 фоизи ҳазар, 9 фоизи аймак, 3 фоизи туркман ва 2 фоизи балоч этник гуруҳларидан ташкил топган Афғонистон Ислом Республикаси<sup>1</sup>нинг ҳуқуқий тизими бир вақтнинг ўзида ҳам давлат томонидан ишлаб чиқилган қонунчилиги асосида ҳам урф-одат бўйича шариат ва одат нормаларига асосланган “жирға ва шуро” номидаги маҳаллий механизмлар билан ҳам тартибга солинади. Давлатнинг ҳуқуқий тарихи кўп сонли қатлам таъсирида ҳуқуқий тизимнинг қонунчилик ва урф-одат нормаларига бўлиниши Афғонистоннинг асосий тамғаси бўлган<sup>2</sup>. Афғонистон Конституциясининг 130-моддасига кўра, “Суддаги суд амалиётларида ушбу конституция ва бошқа қонунлардан фойдаланилади. Агар кўрилатган ҳолат ушбу конституция ва бошқа ҳуқуқий нормаларда мавжуд бўлмаса, шу кўрилатган ҳолатга доир суднинг қарори конституцияга мувофиқ ҳолда, Ҳанафий юриспруденциясига асосан юқори даражада адолатли ҳал этилади”. Бундан кўринадики, Афғонистоннинг кўплаб аҳолиси Шиа мазҳабида бўлса-да, Афғонистонда кўрилатган суд ишлари қонунчиликда мавжуд ҳолатлар бўлмаганда асосан шариат ва Ҳанафий мазҳаби бўйича ҳукм қилинади. Шунингдек, Афғонистон Фуқаролик кодексида ҳам Ҳанафий мазҳаби асосида иш кўрилиши акс этган. “Қонуний таъминоти жорий қилинган ишларда дин нормаларини татбиқ қилинишига рухсат этилмайди. Қонунан таъмин этилмаган ишларда, суд ишларини адолатли тарзда ислом шариатининг Ҳанафий юриспруденциясининг фундаментал принциплари асосида ишларни кўради ва шу асосда қарор қилади”<sup>3</sup>. Афғонистон фуқаролик кодекси иккинчи ҳавола бўлиб, у диний

<sup>1</sup> Library of Congress-Federal Research division, Country profile Afghanistan, August 2008, p.90

<sup>2</sup> Мартин Лай. Афғонистоннинг ҳуқуқий тизими ва унинг Халқаро инсон ҳуқуқлари стандартларига мувофиқлиги. Якуний ҳисобот (Юристарнинг халқаро консултиги), 7 февраль 2003.

<sup>3</sup> Strengthening Displaced Women’s Housing, Land and Property Rights in Afghanistan. Norwegian refugee council. 2014, p.41.

ва одат нормалари устунлигини ифодалайди<sup>4</sup>. Мулк билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлар 1977 йилда қабул қилинган ва шу кунгача ўзгартириш қилинмаган Фуқаролик кодекси (Қанунул мадани) асосида кўрилади. Бу кодекс мулк ҳуқуқи тушунчасини, унга эғаликни пайдо бўлиши, фойдаланиш, мулк ҳуқуқини бошқага ўтказишда нарх эвазига сотиши, меросга эга бўлиши, мулк низоларини кўриб чиқиши муҳокама қилинган.

Шариат нормаларида аёлнинг мулки фақат ўзигагина тегишлилиги ва унинг ҳаётлигида унинг эри ва бошқа эркак ёки аёл қариндошлари унинг мулкига аралашувига ҳеч қандай руҳсат берилмаслиги қатъиян ўрнатилган. Ўз навбатида, аёл мулкка эғаликни никоҳ, мерос, нафақа ва ўз меҳнати фаолиятининг натижасидаги даромад орқали эга бўлиши мумкин.

Афғонистон фуқаролик кодекси аёлнинг мол-мулк ҳуқуқларга эғалик қилиш ва мулкка бўлган ҳуқуқини бошқага сотишни расмий қафолатлайди<sup>5</sup>. Аёл дастлаб мулкни маҳр орқали киритиши мумкин. Аёлнинг мулккий ҳуқуқи бўлган маҳр 1971 йилдаги Оила кодекси<sup>6</sup>, Фуқаролик кодекси<sup>7</sup> ва Шариат нормалари билан ҳимоя қилинган<sup>8</sup>. Аёлнинг оиласи ёки келин маҳрни келин-куёвни унаштирув пайтида олади, сўнг маҳрни никоҳ шартномасида қатъиян белгилатиб қўяди. Бу шартнома никаҳат ёки никоҳнома гувоҳномаси билан тақдим қилинади<sup>9</sup>. Афғонистон фуқаролик кодексига кўра, никоҳ пайтида аёл учун ўрнатилган никоҳ улуши миқдоридаги самарадорлик ёки чегараланмаган маҳр никоҳни бекор қилишда асосий ваколатдир. Маҳрнинг миқдори на шариат на қонунчилик томонидан идора қилинмайди<sup>10</sup>. Ушбу кодексда маҳр мулланинг никоҳ пайтидаги никоҳ ўқилиши арафасида келиннинг отасидан маҳр миқдори ёки қийматини никоҳ дуруст бўлиши учун сўраши ҳам келтирилган. Агар маҳр никоҳ давомида ёки кечроқ бўлса-да, берилмаган бўлса,

<sup>4</sup> Women's access to property in Afghanistan. Harakat-AICFO, through grant HR, QARA consulting firm in Kabul. May 2011. p.10.

<sup>5</sup> Women's access to property in Afghanistan. Harakat-AICFO, through grant HR, QARA consulting firm in Kabul. May 2011. p.10

<sup>6</sup> Official gazette No.190. 08 August 1971.

<sup>7</sup> The Civil Law commits a separate chapter (articles 98-114) and wide range of additional provisions related to handling mahr issues.

<sup>8</sup> Strengthening Displaced Women's Housing, Land and Property Rights in Afghanistan. Norwegian refugee council. 2014, p.48.

<sup>9</sup> A guide to property law in Afghanistan. Foley. p.63.

<sup>10</sup> Афғонистон фуқаролик кодексининг 133 моддаси.



никоҳи бекор бўлганда, ёки бева бўлиб қолганда, тўланмаган маҳр масаласи юзасидан ҳаттоки, судга даъво қилиш ҳолатлари ҳам қонунчиликда қатъий белгилаб қўйилган.

Ислом ҳуқуқига кўра, никоҳ аёл учун мулк ҳуқуқига эга бўлишда энг асосий имкониятдир. У мулкни никоҳ давомида ёки никоҳдан кейин маҳр ҳуқуқи орқали қўлга киритиши мумкин. Ислом ҳуқуқига кўра, маҳр – эрнинг никоҳига олаётган аёлига берадиган пул ёки мол-мулкдир. Маҳр никоҳ аҳдининг бир мажбурияти бўлиб, Қуръони карим ва суннат билан собит бўлган. Маҳрнинг икки тури мавжуд бўлиб, “маҳри муажжал” ва “маҳри мувжал”дир. Маҳри муажжал келин маҳрни айнан никоҳ пайтида олишга айтилади. Маҳри мувжал никоҳдан кейин кечроқ тўланган маҳрга айтилади. Ислом ҳуқуқининг асосий манбаси Қуръони каримда маҳр аёлнинг мулкӣ ҳуқуққа эга бўлишда муҳим омил эканлиги таъкидлаб келинган. Ҳанафӣ мазҳабидаги олим Кокий раҳимахуллоҳ “Қуръонда маҳрни етти ўринда келганлигини таъкидлайди. Аллоҳ таоло “Нисо” сурасининг 4-оятда “Хотинларингизга маҳрларини ҳадя каби (мамнунлик билан) берингиз”<sup>11</sup>. Имом Аъзам Абу Ҳанифа мазҳабида маҳрнинг энг ози 10 дирҳам кумуш микдоридир. Маҳрнинг кўп микдори белгиланмаган<sup>12</sup>.

Аёлнинг мулк ҳуқуқи мерос натижасида ҳам юзага келади. Афғонистон Фуқаролик кодексига кўра, никоҳга киришмоқлик эрнинг рафиқасига бўлган барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини келтириб чиқаради. Бу мажбуриятлар аёлнинг нафақа, мерос олишга бўлган ҳуқуқини, эр ўз мажбуриятларни бажарилишини ва аёлнинг ҳуқуқига қарши ман этилган ҳатти-ҳаракатларни олдини олади<sup>13</sup>. Афғонистон мерос тақсимои бўйича ҳуқуқӣ нормалари Шариат нормаларига асосан татбиқ этилиши мустаҳкамлаган. Хусусан меросдаги улушларни аниқлашда, гендер ва қариндошчилик даражасига аҳамият берилган. Фуқаролик ҳуқуқида ҳам бу масала батафсил ёритилган<sup>14</sup>. Мерос қоидалари шариатнинг

марказидаги таркибӣ қисмдир ҳамда классик ислом ҳуқуқининг давомли меросидир<sup>15</sup>. Мерос сўзи “Виросатун” сўзидан олинган бўлиб, маънавий ёки молиявий ҳаққа эга бўлиш, дегани. Шариатга кўра, мерос майитнинг ортида шаръӣ ворисга қолган мол-мулк ва ҳуқуқларга айтилади<sup>16</sup>. Мерос илмининг асосий далил ва ҳужжатлари Қуръони карим, суннат ва ижмодан собит бўлган. Хусусан, “Нисо” сурасининг 1112-оятлари аёлнинг меросдан улуш олишга ҳаққи борлигини тасдиқлайди: “Аллоҳ сизга фарзандларингиз ҳақида васият этиб, бир ўғилга икки қиз насибасича беришни амр этди. Агар улар иккитадан кўп аёл бўлсалар, уларга у (ота) қолдирганининг учдан иккиси. Агар қиз битта бўлса, унга ярми. Агар у (майит)нинг фарзанди бўлса, у қолдирган нарсдан ота-онасининг ҳар бирига олтидан бир. Агар унинг фарзанди бўлмаса ва ота-онаси меросхўр бўлса, онасига учдан бир. Агар унинг ака-укалари бўлса, онасига олтидан бир. У қилган васият ва қарзни адо этгандан сўнг, оталарингиз ва болаларингиздан қайси бирлари сизга манфаатлироқ эканини билмассизлар. Бу Аллоҳ жорий қилган фарздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва ҳикматли Зотдир”<sup>17</sup>.

Мероснинг арконлари учтадир: мерос қолдирувчи, меросхўр ва мерос. Меросда куйидаги 3 шарт топилсагина тақсимланади:

- Мерос қолдирувчининг вафоти ҳақ бўлиши ёки вафоти тўғрисида ҳукм чиққан бўлиши;
- Мерос қолдирувчи вафот этган вақтда меросхўрлар тирик бўлиши;
- Қариндошлик ва мерос олиш ҳаққи билиниши

Қуръони каримда меросхўр аёллар ва уларнинг меросдан оладиган улушлари борасида 10 марта зикр қилинган.

Мерос ва унинг тақсимои бўйича Афғонистон фуқаролик кодекси ўнга яқин модда билан мерос олувчиларни ҳамда мерос жараёнларини батафсил кўрсатиб берганлигини кўриш мумкин. Буни 90, 209, 367, 1993, 2002,

<sup>11</sup> Ал-бинояту фиш шархил Ҳидая. Жуз 4. Абу Муҳаммад Маҳмуд бин Аҳмад Ал-Айнӣ. 637 б.

<sup>12</sup> Маҳр нима. Саволга жавоб. [www.islom.ziyouz.com/fatvo/nikoh-va-taloq](http://www.islom.ziyouz.com/fatvo/nikoh-va-taloq).

<sup>13</sup> Afghanistan civil law. Article 90.

<sup>14</sup> Strengthening Displaced Women’s Housing, Land and Property Rights in Afghanistan. Norwegian refugee council. 2014. p.45.

<sup>15</sup> Land, Law and Islam: Property rights in Muslim world. Siraj Sait and Hillary Lim, Zed books Ltd. New York, 2006, p.107

<sup>16</sup> Мақола. Илм. Исломда мерос масаласи. Илхомжон Умаржон ўғли. <http://shosh.uz/ilm>.

<sup>17</sup> Нисо сураси 11 оят. Қуръони карим маънолари таржумаси. Абдулазиз Мансур

2008, 2009, 2024, 2032, 2137-моддаларда кузатиш мумкин. Вафот этган кишининг кўчар ва кўчмас мулкка эгалик қилиш ва уни тасарруф этишдаги ҳуқуқлари унинг меросхўрларига белгиланган мерос формуласи қоидалари асосида ўтказилади<sup>18</sup>. Агар эр вафот этса, унинг аёли:

1) эри вафотидан кейин фарзанд қолдирмаса ёки ўғил неvara қолдирмаса  $\frac{1}{4}$  миқдорда;

2) эри вафотидан кейин фарзанд ёки неvara қолдирса  $\frac{1}{8}$  миқдорда мерос олади.

Агар ота вафот этса, унинг қизи:

1) бошқа туғишгани бўлмаса,  $\frac{1}{2}$  миқдорда

2) туғишган опа синглиси бўлса,  $\frac{2}{3}$  миқдорда

3) туғишган ака укаси бўлса, 2:1 тақсим миқдорда мерос олади.

Агар фарзанд вафот этса, унинг онаси:

1) унинг қариндошлик даражаси асл бўлса,  $\frac{1}{6}$  миқдорда

2) агар вафот этган фарзанднинг туғишгани бўлмаса, отаси ёки рафиқаси бор бўлса,  $\frac{1}{3}$  миқдорда

3) агар туғишгани бўлса, отаси ва рафиқаси бор бўлса,  $\frac{1}{3}$  миқдордан қолганидан мерос олади.

Бундан кўриниб турибдики, Афғонистон аёлларининг мерос ҳуқуқларини таъминлаш борасида қуйидагича ҳолатни кўриш мумкин:

- Афғонистон миллий қонунчилигидаги икки асосий норматив ҳужжат билан аёлнинг мерос олиш ҳуқуқини қатъий мустаҳкамлаб қўйилганлиги;

- мулк борасида ҳеч қандай чегаранинг йўқлиги, Сунний мазҳабидаги аёлнинг мерос олиш имконияти мавжудлиги;

- Қонун ҳар бир оила ва ҳар бир даражадаги аёлнинг меросдаги улушини аниқ белгилаб қуйганлиги;

- ўғил ва қиз фарзандлар ўртасидаги тақсимот 2:1 нисбатда тақсимланганлигини қайд этиш мумкин.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Шиа мазҳабидаги аёлнинг мерос ҳуқуқи Шиа шахсий мақоми тўғрисидаги қонун<sup>19</sup> билан тартибга солинади. Умуман

олганда аёлларнинг мулкӣ ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Афғонистонда 2009 йилга келиб “Аёлларга қарши зўравонликни бартараф қилиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун аёлнинг мулкӣ ҳуқуқи дахлсизлигини ҳимоя қилишда иккита асосий ҳуқуқни келтириб ўтган. Унга кўра, булар маҳр ва аёлни зўравонлик бўйича эр ёки эрнинг қариндошларини судга бериш ҳуқуқини белгилаб берди.

Бироқ Афғонистон миллий ҳуқуқий тизимида аёлнинг мулкӣ ҳуқуқлари таъминланишида шариат нормалари билан қафолатланишига қарамай, уларнинг ҳаёт тарзида бунинг аксини кўриш мумкин. Хусусан, аёллар ва болалар уйсиз ҳамда очарчиликни бошдан кечирмоқдалар. Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришдаги қишлоқ мулки халқаро фондининг 2013 йилдаги ҳисоботида кўра, Афғонистонда қарийб 1 миллионга яқин афғон бева аёллари бор. Уларнинг ўртача ёшлари 35 ёшни ташкил қилади ва уларнинг 90 фоизи 4 та ёки ундан ортиқ фарзанди бор. Улар Афғонистоннинг патриархал жамиятидаги ижтимоий тан олинмасликни бошидан кечирмоқдалар. Кўплаб бева аёллар тиланчилик қилишдан бошқа йўлни тополмаяптилар<sup>20</sup>. Мерос тақсимотларида ўзига тегишли бўлган қонунан қафолатланган улушларини ҳимоя қилолмаяптилар. “Менинг отам барча мол-мулк ҳуқуқларини ўз ўғилларига тақсимлаб берган. Қизларига бирор бир мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини бермади. Акалар ўз сингилларини ҳимоя қилишлик айтилса-да, менинг аммаларимдан бири ўзининг мулкӣ ҳуқуқини талаб қилганида, унинг бошқа барча ака укалари у билан муносабатларни узишган”, дейди Ҳиротдан бўлган Рухшан исмли аёл<sup>21</sup>.

Умуман олганда, аёлларнинг мол-мулкка эгаликни қўлга киритиши ва уни тасарруф этишига урф-одат нормалари ҳам тўсқинлик қилади. Пуштулик аёлнинг фикри бунга ёрқин мисолдир. “Кўплаб аёллар ўзининг мерос олишга ёки мол-мулкка эгалик қилишга қонуний ҳуқуқи борлигини билса-да, аммо

<sup>18</sup> Afghanistan civil law, article 1993.

<sup>19</sup> Strengthening Displaced Women’s Housing, Land and Property Rights in Afghanistan. Norwegian refugee council. 2014. p.48

<sup>20</sup> Article/ Women and property rights. Canadian women for women in Afghanistan. p 2.

<sup>21</sup> Women’s access to property in Afghanistan. Harakat-AICFO, through grant HR, QARA consulting firm in Kabul. May 2011. p.11.

улар бу борада ҳеч нарса қилолмайди. Чунки бу ҳуқуқни ҳимоя қилиш ўз оила аъзолари билан оилавий можаролар ва ўз жамияти томонидан унга нисбатан ҳурматсизликка сабаб бўлишини билади<sup>22</sup>.

Афғонистон аёлларининг мулкӣ ҳуқуқларини назарий-илмӣ таҳлил асосида ўрганиб чиқилганда, Афғонистонда аёлларнинг мулкӣ ҳуқуқлари Афғонистон миллий ҳуқуқӣ тизим, шариат нормалари шу билан бирга халқаро инсон ҳуқуқлари нормалари билан ҳимоя қилинса-да, уларни амалиётда татбиқ этилишида назоратнинг мавжуд эмаслиги ҳамда афғон аёлларининг ҳали ҳам мулкка эгалик қилиш ва мулкӣ ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилолмаслигига бир қанча сабаблар борлиги аниқланди. Жумладан:

Афғонистоннинг кўпчилиқ аёллари мерос ва мулк ҳуқуқи борлигини билмасликлари;

Мулк ҳуқуқларини билган аёллар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда урф одат нормалари тўсқинлиқ қилиши;

Агар аёл ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқчи бўлса, олдин унинг масаласи “Шуро<sup>23</sup>” жамияти томонидан кўриб чиқилиши, ушбу жамиятнинг аъзолари эркаклардан иборат бўлганлиги боис, аёл камситилиш ва уялтириш хатари мавжудлиги;

Афғон оилаларининг кўпи томонидан одатга кирган ака укалар томонидан сингиллар ҳимоя қилинади, деб аёлни ўзига тегишли бўлган мулк билан таъминланмаслиги;

Юридик ҳукумат томонидан аёллар мулкӣ ҳуқуқини қўллаб қувватловчи ва ҳимоя қилувчи тарғибот марказларининг ташкил этилмаганлиги;

Суд ҳуқуқӣ тизимда аёлларнинг ўринлари жуда санокли эканлиги

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

Афғон аёлларининг таълим ҳуқуқини амалиётда ривожлантириш асосида ўзига бўлган ишончни қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил қилиш;

Суд-ҳуқуқ тизимида қонунларга амал қилинишини назорат қилиш мониторингларини ташкил қилиш;

Шуро жамияти бевосита ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари назорати остида ўтказилиши ва ушбу назоратда аёл ҳуқуқшуносларининг иштирокини таъминлаш;

Ижтимоӣ жамиятда инсонларнинг ҳам қонуний ҳам шаръӣ илмлардан хабардор бўлишда ҳуқуқӣ маданиятни оширишдир.

Хуллас, Афғонистон аёлларининг мулкӣ ҳуқуқларини назарий-илмӣ таҳлил асосида ўрганилганда, аёлларнинг мулкӣ ҳуқуқлари Афғонистон миллий ҳуқуқӣ тизим, шариат нормалари шу билан бирга халқаро инсон ҳуқуқлари нормалари билан ҳимоя қилинса-да, уларни амалиётда татбиқ этилишида назоратнинг мавжуд эмаслиги ҳамда афғон аёлларининг ҳали ҳам мулкка эгалик қилиш ва мулкӣ ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилолмаслигига бир қанча сабаблар борлиги аниқланди. Жумладан:

– Афғонистоннинг кўпчилиқ аёллари мерос ва мулк ҳуқуқи борлигини билмасликлари;

– Мулк ҳуқуқларини билган аёллар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда урф одат нормалари тўсқинлиқ қилиши;

– Агар аёл ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқчи бўлса, олдин унинг масаласи “Шуро<sup>24</sup>” жамияти томонидан кўриб чиқилиши, ушбу жамиятнинг аъзолари эркаклардан иборат бўлганлиги боис, аёл камситилиш ва уялтириш хатари мавжудлиги;

– Афғон оилаларининг кўпи томонидан одатга кирган ака укалар томонидан сингиллар ҳимоя қилинади деб аёлни ўзига тегишли бўлган мулк билан таъминланмаслиги;

– Юридик ҳукумат томонидан аёллар мулкӣ ҳуқуқини қўллаб қувватловчи ва ҳимоя қилувчи тарғибот марказларининг ташкил этилмаганлиги;

– Суд ҳуқуқӣ тизимда аёлларнинг ўринлари жуда санокли эканлигини айтиш мумкин.

<sup>22</sup> Pashtuns women viewpoint. Spogmay Waziri Karkar. 2013.

<sup>23</sup> Мулла бошчилик қиладиган эркаклардан ташкил топган жамият. Булар асосан урф одатга кўра, баъзида шариат асосида муаммони кўрадилар.

<sup>24</sup> Мулла бошчилик қиладиган эркаклардан ташкил топган жамият. Булар асосан урф одатга кўра, баъзида шариат асосида муаммони кўрадилар.